

## VIII. ХИЗМАТЛАР

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш (2018 йилнинг январь–декабрь ҳолатига)

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами – хизматлар</b>	9 120,6	108,5	<b>100,0</b>
<i>жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	625,3	112,5	6,9
молиявий хизматлар	961,6	139,9	10,5
транспорт хизматлари	2 070,2	103,3	22,7
<i>шу жумладан:</i>			
автотранспорт хизмати	1 946,5	102,3	21,3
яшаш ва овқатланиш хизматлари	233,1	101,3	2,6
савдо хизматлари	3 011,0	104,1	33,0
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	292,3	101,9	3,2
таълим соҳасидаги хизматлар	413,8	122,5	4,5
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	178,1	114,5	2,0
ижара хизматлари	261,1	104,3	2,9


	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	295,1	105,7	3,2
шахсий хизматлар	472,6	101,9	5,2
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	65,4	119,7	0,7
бошқа хизматлар	241,0	110,8	2,6

“2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастури”ни амалга ошириш натижасида молиявий хизматлар – 139,9 фоизга, таълим соҳасидаги хизматлар – 122,5 фоизга, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар – 119,7 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 114,5 фоизга, алоқа ва ахборотлаштириш 112,5 фоизга, ва бошқа хизматлар – 110,8 фоиз юқори ўсиш суръатларига эришилди.

**2018 йилнинг январь-декабрь ҳолатига хизматлар таркиби**  
(жамига нисбатан фоизда, катта улуғига эга бўлганлар)




## 2018 йил январь-декабрь ойларида айрим хизмат турлари ҳажмининг таққосланиши, млрд.сўм




Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида энг юқори ҳажм савдо хизматлари 3 011,0 млрд. сўм, транспорт хизматлари 2 070,2 млрд. сўм, молиявий хизматлар 961,6 млрд. сўм, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 625,3 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

**2018 йил январь-декабрь ойларида  
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар таркиби, %**



2018 йил январь-декабрь ойларида яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми Фарғона вилоятида 233,1 млрд.сўмни ташкил этди. Шундан, яшаш бўйича хизматлар 23,9 млрд.сўм, озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизматлар 209,2 млрд.сўмни ташкил этган.

**2018 йил январь-декабрь ойларида транспорт  
бўйича хизматлар таркиби, % да**



2018 йил январь-декабрь ойларида транспорт хизматлари ҳажми Фарғона вилоятида 2 070,2 млрд.сўмни ташкил этди. Шундан, автотранспорт хизмати 1 946,5 млрд.сўмни, жами транспорт хизматларининг 94,0 фоизини ташкил этади.

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 33,0 фоизи), транспорт хизматлари (22,7 фоизи), молиявий хизматлар (10,5 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,9 фоизи) хиссасига тўғри келди.

**Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш**  
(2018 йилнинг январь–декабрида)


	<i>Жами</i>			<i>Аҳоли жон бошига</i>	
	<i>млрд.сўм</i>	<i>2017 й. январь–декабрига нисбатан фоизда</i>	<i>жами хизматлар ҳажмига нисбатан фоизда</i>	<i>минг сўм</i>	<i>2017 й. январь–декабрига нисбатан фоизда</i>
<b>Фарғона вилояти</b>	<b>9 120,6</b>	<b>108,5</b>	<b>100</b>	<b>2 497,6</b>	<b>106,7</b>
<i>шахарлар:</i>					
Фарғона	4 063,9	111,5	44,6	14 457,0	109,7
Кўқон	1 197,2	106,2	13,1	4 845,1	104,9
Қувасой	145,6	105,0	1,6	1 601,8	103,4
Марғилон	919,6	106,4	10,1	4 003,3	105,1
<i>туманлар:</i>					
Олтиариқ	251,1	102,6	2,8	1 225,4	101,1
Қўштепа	150,7	104,7	1,7	819,7	102,8
Боғдод	201,0	107,3	2,2	967,4	105,3
Бувайда	184,1	103,9	2,0	835,7	102,2
Бешариқ	199,3	107,2	2,2	901,1	105,4
Қува	220,9	104,7	2,4	882,1	103,0
Учкўприк	244,2	110,3	2,7	1 105,7	108,3
Риштон	194,1	104,2	2,1	992,1	102,4
Сўх	74,4	107,5	0,8	985,9	105,5
Тошлоқ	199,5	106,4	2,2	1 021,4	104,4
Ўзбекистон	201,0	108,1	2,2	869,2	106,3
Фарғона	275,0	108,1	3,0	1 332,5	106,5
Данғара	186,1	104,0	2,0	1 108,2	102,2
Фурқат	93,1	107,5	1,0	812,1	105,9
Ёзёвон	119,8	109,4	1,3	1 120,2	107,6

Худудлар кесимида хизматларнинг энг юкори ўсиш суръати Фарғона шаҳар (111,5 фоиз) тўғри келди.

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг 40 фоиздан ортиғи Фарғона шаҳри (44,6 фоиз), Кўқон шаҳри (13,1 фоиз), Марғилон шаҳри (10,1 фоиз), Фарғона (3,0 фоиз) ва Олтиарикда (2,8 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.


Кўрсатилган хизматларнинг энг паст улушлари Сўх (0,8 фоиз), Фурқат (1,0 фоиз) ва Ёзёвон (1,3 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**2018 йилнинг январь-декабрь ҳолатига хизматлар соҳасида  
улуши катта бўлган ҳудудлар**  
(жамига нисбатан фоизда)



2018 йил январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 2 497,6 минг сўмга тенг бўлди. Унинг ўсиш суръати эса ўтган йилга нисбатан 106,7 % ни ташкил этди.

## 2018 йил январь-декабрь ойларида хуудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсаткичлар



Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Фарғона (14 457,0 минг сўм), Кўкон (4 845,1 минг сўм) ва Марғилон (4 003,3 минг сўм) шаҳарларида қайд этилди. Шунингдек, Кувасой шаҳри (1 601,8 минг сўм), Фарғона (1 332,5 минг сўм) ва Олтиариқ (1 225,4 минг сўм) туманларида ҳам аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми салмоқли бўлди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи Фурқат туманида – (812,1 минг. сўм) кузатилди, ўсиш суръати 105,9 % ни ташкил этди.